Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 6 (7. 395) ◎ 1991 йил 9 январь, чоршанба ◎ Баҳоси 8 тийин

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ҳайдовчиларда касб маҳоратини такомиллаштириш, ҳаракат хавфсизлиги ва доимийликни таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, транспортлардан фойдаланиш кўрсаткичини ошириш мақсадида «Қизил Шарқ» трамвай-троллейбус манзилгоҳида трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг «Энг яхши ҳайдовчи» фахрий номини олиш учун якуний мусобақаси ўтказилди.

Ғолибликка даъвогарлар бешта босқичда куч синашдилар. Улар вагонни қабул қилиб олиш учун техник пухталигини кўриб чиқиш, синаш учун қолдирилган камчиликни топиб тузатиш, техник қурилмалар ҳақидаги саволларга жавоб бериш, маданий хизмат борасида йўловчиларга мўлжалланган ахборотни тушунарли баён эта билиш, транспортни линияга қўйилган белгиларга қараб бошқариш, автомобиль назоратчисининг йўл ҳаракати имтиҳонидан ўтишлари лозим эди. Амалий вазифани бажаролмаслик ёки саволларга нотўғри жавоб жарима баллари билан белгиланди.

Ўтказилган мусобақада 10 та трамвай ва 9 та троллейбус ҳайдовчиси қатнашди.

Ҳайъат хулосасига кўра 1-трамвай ва 1-троллейбус депоси ҳайдовчилари Т. Подкоритова, Э. Орловлар биринчи ўринга эга бўлишди. Уларга «Энг яхши ҳайдовчи» фахрий ном, бошқарма мақтов ёрлиғи, 200 сўм пул мукофоти берилди.

Хавфсизлик ҳаракати бўлими бошлиғи конкурсни тайёрлаш ва ўтказишни яхши уюштиргани учун 100 сўм, ҳаракат таркибидаги транспортлардан фойдаланиш бўлим ишчилари Н. Шокирова, Е. Колбяков, Г. Сидоропуло, В. Ясюк, Е. Кожевников, Т. Алтинбоев, Р. Расулов, И. Мансуров В. Борисевич, Н. Розанев, С. Аббосовлар 30 сўмдан пул мукофоти билан тақдирландилар.

Раъно Парпиева тўрт йилдан буён Тошкент бош кийимлар фабрикасида самарали меҳнат қилмоқда. У иш фаолиятини ўрта мактабни тугатгач шу ерда бошлаган.

Т. Каримов сурати.

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд вилоят бўлими Алишер Навоийнинг 550 йиллик маъракасига бағишлаб шоирнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Авлиёлар ва ҳукмдорлар тарихи») асарини юз минг нусхада чоп этди.

● Сирдарё ГРЭСида юз берган авария натижасида Амударёнинг икки соҳили бир-бирига яқин бўлган Жумуртов қўрғони атрофида дарёнинг сув сатҳи 2 метр 20 сантиметрга кўтарилди. Қўрилган фавқулодда чоралар натижасида Туямўйиндан Мўйноққача бўлган жойларда аҳоли турар жойларини сув босиш хавфининг олди олинди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча М. С. Ғорбачев ва Б. Н. Ельцин ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Иттифоқ бюджети ва РСФСЖ бюджетини мувофиқлаштириш тўғрисида келишиб олинди.

● Литва Бош вазири К. Прунескене бошчилигидаги вазирлар маҳкамаси тўлалигича истеъфога чиқди. Аҳолининг жумҳуриятда нарх-наво кескин оширилиши муносабати билан қатъий норозилиги туфайли ҳукумат шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлди. Литва Олий Кенгаши январдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотлари нархини ошириш тўғрисидаги қарор ижросини тўхтатиб қўйганидан сўнггина бу ерда вазият бирмунча нормаллашди.

● ССЖИ Президенти фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакат Мудофаа вазирлиги Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Арманистон, Грузия, Молдова, Украинанинг баъзи вилоятларида фуқароларни қарбий хизматга чақиришда ҳарбий комиссариатларга кўмаклашиш учун ҳаво-десант қўшинларидан фойдаланиш тўғрисида буйруқ берди.

ХОРИЖДА

● Ироқ ташқи ишлар вазири БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланган 15 январгача Ироқ қўшинларини Қувайтдан олиб чиқишни рад этди.

● Руминия ҳукумати мамлакатнинг собиқ қироли Михайни румин фуқаролигида тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 1991 йил 1 январгача дунёда 314 минг 610 марта СПИД касаллиги билан хасталаниш расмий равишда рўйхатга олинган. Биргина ўтган йилнинг декабрь ойида бундай касаллар сони 7 мингтага кўпайган.

ТО Бугунги кун нафаси

ХОТИРОТ ЭСДАЛИКЛАРИ

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА МАШҲУР СОВЕТ ИЖОДКОРЛАРИ КАТТА БИР ГУРУҲИ СЕРҚУЁШ ЖУМҲУРИЯТИМИЗГА КЎЧИРИБ ОЛИБ КЕЛТИРИЛГАН ЭДИ.

Атоқли сўз санъаткорларидан Анна Ахматова, Алексей Толстой, Корней Черковский, Корнелий Зелинский ва бошқалар Тошкентда яшаб, баракали ижод қилдилар. Улуғ пролетар ёзувчиси М. Горькийнинг набиралари — Марфа билан Дарья Пешковаларни ҳам ўзбек халқи ўз бағрига олди.

Бу зиёлиларни кўпинча Тошкентдаги педагогика ва халқ таълими адабиётлари кутубхонасида учратиш мумкин эди. Улар бадиий адабиёт ва адабий ижод борасида қизғин фикрлашар, янги яратилган асарлари билан бир-бирларини хабардор қилишарди. Ўша учрашув ва баҳслардан қолган яхши хотирот сифатида кутубхонада талайгина суратлар ва дастхатлар сақланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш илмгоҳи биносида жойлашган бу илм-фан маскани бой адабиётлар фондига эга. Кутубхона ходимлари машҳур ёзувчи ва шоирларнинг Тошкентда кечган ҳаётлари билан боғлиқ турли ҳужжатларни тўплаб, алоҳида кўргазма бурчагини тайёрлашни режалаштириб қўйдилар.

А. АЛИЕВ.

• Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

ТАЖРИБА АСОСИДА

ЖОЙЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШ ЮРИТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ УЧУН ҲАМ ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРМОҚДА.

ССЖИ Фанлар академияси Совет Социалистик ассоциацияси ҳузурида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Тошкент марказининг тузилиши билан бу борада жумҳуриятимизда кенг кўламда иш олиб бориш имкони туғилди.

«Средазгипроводхлопок» илмгоҳида амалга оширилган кузатишлар ҳам яхши самаралар берди. Эндиликда ушбу илмгоҳ марказнинг ижтимоий лабораторияларидан бири билан ҳамкорлик ўрнатиб, турли ахборотлардан баҳраманд бўлмоқда.

Бу борада орттирилган тажрибалар асосида Тошкентнинг Октябрь, Куйбишев ноҳияларида ҳам ижтимоий тадқиқотлар ўтказувчи бўлинмалар тузилди.

МАХСУС КУРСЛАР

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШ ВА ИСТАКЛАРИГА ҚАРАБ У ЁКИ БУ КУРСЛАРНИ ЎҚИТИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

Тошкент машинасозлик илмгоҳида ҳам бу борада қўшимча тадбирлар кўрилди.

Олий ўқув юрти гуманитар фанлар куллиёти ташаббуси билан айрим янги курсларни жорий этиш режалари белгиланган эди. Кўзда тутилган бу тадбирлар бирин-кетин таълим жараёнида муваффақиятли қўлланилмоқда. Жумладан, «Илмий эвристика» махсус курси машғулотларига кўпчилик қизиқиш билан қатнашмоқда. Шунингдек, «Формал ва рамзий мантиқ», «Фанларни ташкил этишнинг иқтисодий талаблари» каби янги курслар ҳам талабаларга тақдим этилди.

Илмгоҳнинг бошқа куллиётлари талаблари асосида бундай курсларни уларда ҳам ташкил этиш режалаштириб қўйилди.

ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ

ТАЪЛИМ ИШИДА ПСИХОЛОГИЯ БИЛАН ПЕДАГОГИКАНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ ЕТАКЧИ ЎРИН ТУТАДИ.

Ана шу уйғунликнинг вужудга келишида психология-педагогика назарияси ва амалиёти тадқиқи муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, халқ таълимини қайта қуриш жараёнида бу масалага эътибор янада кучайди.

Шу сабабли XV жумҳуриятпедагогика ўқишлари «Халқ таълимини қайта қуриш шароитида психология-педагогика назарияси ва амалиёти ўзаро ҳамкорлиги» деган муаммога бағишланиши бежиз эмас. Ушбу таълимий анжуманга тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Тажрибакор ўқитувчиларнинг ҳам педагогик ўқишларга тараддудлари катта. Айни бир вақтда халқ педагогикаси манбаларига, миллий мактаб масалаларига мурожаат этиш тайёрланаётган педагогик маърузалар мазмунини бойитади.

Бу муҳим тадбирни ўтказиш бўйича қатор ҳужжатлар ҳозирланди. Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш илмгоҳи ҳамда жумҳуриятўқувметодика маркази анжуманда маърузалар қилиниши кўзда тутилган тахминий мавзулар рўйхати тузилиб, жойларга юборилди.

А. АКБАРОВ.

ИЖРОҚЎМДА КЕНГАШ

7 январда Тошкент шаҳар ижроия қўмитасида ноҳия кенгашлари ижроия қўмиталари, савдо, умумий овқатланиш Бош бошқармалари, халқ ва ишчи назорати органлари раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси савдо Бош бошқармаси бошлиғи Р. Ю. Ўрозбоевнинг Тошкентда истеъмол бозорини барқарорлаштириш юзасидан амалга оширилаётган чоралар ҳамда «Ташгоркоопторг» раиси З. И. Исмоиловнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича ташкил этилган Янги йил олди ярмаркалари натижалари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Тошкент аҳолисига озиқ-овқат ва саноат моллари сотишни барқарорлаштириш учун ҳар бир фуқарога сотиладиган моллар миқдори белгилаб қўйилганлиги, харидоргир буюмлар ноҳия ижроия қўмиталари билан келишилган ҳолда корхоналар, маҳаллаларда сотилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

1990 йилда марказлаштирилмаган манбалардан савдо айрибошловига 42 миллион сўмликдан кўпроқ моллар жалб этилди. Ширкатлар ва шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар аҳолига 12 миллион сўмлик маҳсулотлар сотдилар.

Тошкентда Янги йил олди савдосини ташкил қилишга катта аҳамият берилди. Биргина «Ташгоркоопторг» орқали шаҳар аҳолисига Янги йил арафасида 2400 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан гўшт ҳам сотилди. Бу оддий кунларда сотиладигандан қариб уч баравар кўп.

Шу билан бир қаторда ҳуқуқ-тартибот органлари, халқ ва ишчи назоратчилари томонидан ўтказилган текширувлар Янги йил олди савдосини ташкил этишда кўпдан-кўп, камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Ҳозирги пайтда жумҳуриятпойтахти аҳолиси таъминотини яхшилаш учун қўшимча ресурслар изланяпти. Бу соҳада кўрилаётган чоралар тўғрисида жумҳуриятсавдо вазирининг ўринбосари А. Ҳидоятов ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Ҳикматуллаев гапириб бердилар.

Кенгашни Тошкент шаҳар ижроия қўмитасининг раиси О. Ҳ. Асқаров олиб борди.

Пойиҳа устахоналарида

ҚОРАТОШ даҳаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораяпти. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маиший объектлар қад кўтармоқда. Шу кунларда даҳада бир нечта 12 қаватли бинолар фойдаланишга топшириш арафасида турибди. Бу ерда бир ва икки қаватли миллий услубдаги уйларни қуриш ҳам режалаштирилган. Гап шундаки, тарихий аҳамиятга эга бўлган Бешёғоч кўчасининг умумий кўринишн сақланиб қолинади. Кўча бўйлаб ҳунармандчилик дўконлари қад кўтаради. Мактаб ва боғчалар қурилади.

Қоратош даҳаси лойиҳаси «Ташгипрогор» лойиҳалаш институтининг 4-устахонаси мутахассислари томонидан яратилган. Яқинда штатсиз фотомухбиримиз Х. Мирзакаримов ана шу устахонада бўлиб, унинг ижодкорлари билан суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: (чапда) меъмор Р. И. Солиева, Қоратош даҳасининг бош меъмори В. И. Бреусенко, муҳандислар Т. Е. Карманова ва Г. В. Костинлар янги яратилган лойиҳа муҳокамаси устида; (пастда) Қоратош даҳасида қад кўтарадиган миллий услубдаги 1 ва 2 қаватли уйларнинг макети тасвирланган.



«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЎЗНОМАСИНИНГ ШУ ЙИЛ 7 ЯНВАРЬ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ХУСУСИЙ КИРАКАШЛИК: ТАРТИБ ЎРНАТИШ БОШЛАНДИ» МАҚОЛАСИ БИЛАН ТАНИШГАЧ, УНДА КЎТАРИЛГАН МУАММОЛАР ХУСУСИДА ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИМИЗНИ БАЁН ЭТИШНИ ЛОЗИМ ТОПДИК.

Сўнгги вақтларда матбуотда жумҳуриятимиз пойтахтида енгил такси машиналари ишидаги камчиликлар танқид қилинган қатор мақолалар эълон қилинди. Ҳа, улар ишида ҳали нуқсонлар кўп. Шу билан бир қаторда бу муаммога биз, мутахассислар кўзи билан ҳам қарашга ҳаракат қилиб кўрайлик.

«Ташгорпасстранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг олтита такси корхонасида шу кунларда 7 мингтадан кўпроқ ҳайдовчи ишлайди. Улар 4 мингга яқин автомашинани бошқаради. Енгил таксилардан 412 таси радиолаштирилган. Ҳар куни шаҳар кўчаларига 3700 тадан кўпроқ такси чиқади. Улар кунига 250-300 минг йўловчига хизмат кўрсатади. Аммо пойтахт аҳолисининг ҳар минг нафарига тўғри келадиган такси машиналари белгиланган нормаларга мос келмайди.

Ширкатлар ташкил этила бошланиши билан давлат машиналарида ишлайдиган ҳайдовчилар учун жиддий рақобатчилар пайдо бўлди. Биз уларнинг шаҳар аҳолисининг такси хизматига бўлган эҳтиёжларини қондиришдаги холис хизматларини асло инкор қилмоқчи эмасмиз.

Бироқ, бу чинакамига ҳалол рақобатми? Гап шундаки, давлат таксисининг ҳайдовчиси доимо ҳам биз томондан, ҳам ўз корхонаси мутасадди раҳбарлари томонидан назорат остидалар. Улар йўловчиларни ташиш қондалари билан таниш, меҳнат ва молиявий интизомга риоя этишлари керак. Бу қондалар бузилган тақдирда ҳайдовчилар қаттиқ жазоланадилар.

Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ноҳияда давлат автомобиль корхонаси негизида 300 тагача машинаси бўладиган ширкатларни ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор тафсилотлари ўша «Хусусий киракашлик: тартиб ўрнатиш бошланди» суҳбатида батафсил баён қилинган.

Аммо ушбу қарорнинг ижроси қандай? Ленин ва Собир Раҳимов ноҳиялари ўз таксопарклари негизида ширкатлар ташкил қилдилар. Шу сабабли улардаги ишлар ҳам бир мунча дуруст. Бошқа ноҳияларда эса бирорта ўзгариш бўлганича йўқ.

Автомобиль ширкатлари йўловчилар ташишга бирор алоқаси бўлмаган турли ташкилотлар негизида ташкил этиляпти. Уларнинг йўловчиларга хизмат қилиш маданияти, кира ҳақи тўғри белгиланиши билан мутлақо ишлари йўқ. Маҳаллий Кенгашлар ижроия қўмиталари аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш шиори остида бу ширкатларни ташкил қилишга кенг йўл очиб бермоқдалар.

Йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш масъулиятли иш. Шунинг учун бу ишга фақат юқори малакали ҳайдовчилар жалб этилиши шарт. Бундан ташқари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланган низомга биноан ширкат, таксиларида босилган йўлга қараб кира ҳақи тўлашни кўрсатадиган ҳисобдонлар бўлиши зарур. Ширкатлардаги кўпгина хусусий киракашлар эса бунга асло риоя қилмайдилар.

Аҳолига такси хизмати кўрсатишда марказий диспетчерлик хизматининг аҳамияти каттадир. Ҳозирги пайтда Тошкентда диспетчерлик бошқаруви билан таъминланган еттита такси тўхташ жойи бор. Ҳар куни 380 та радиолаштирилган такси шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатади. Тунги пайтларда эса 174 та навбатчи машина, шу жумладан 70 та радиолаштирилган такси хизматда бўлади. 2 миллиондан кўпроқ аҳолиси бўлган пойтахт учун бу ғоят камлиги тушунарлидир. Шунга қарамасдан марказий диспетчерлик хизмати кунига 1700 — 1800 та, байрам кунлари эса 2000 та буюртмани бажаради.

Диспетчерлик нуқталарида айниқса йўловчилар ғоят кўп бўладиган шимолий ва жанубий темир йўл вокзаллари, тайёрагоҳдаги диспетчерлик нуқталарида йўловчилар учун оддий қулайликлар ҳам йўқ. Давлат автомобиль текшируви ва милиция ходимлари такси тўхташ жойларида тартиб ўрнатиш учун қатъий чоралар кўрмайдилар. Бундан фойдаланган хусусий киракашлар давлат такси машиналари тўхтайдиган жойларни ҳам эгаллаб оладилар.

062 телефони орқали таксига буюртма бериш ҳам мураккаб муаммолардан биридир. Бу хусусда биз жуда кўп шикоятлар олмоқдамиз. Шаҳар ҳудуди муттасил кенгайиб бораётганлиги ҳаммага маълум. Қибрай, Нариманов каби посёлкалар анчадан бери шаҳар чегарасига кириб қолган. Биз эса бу жойларга телефон орқали такси машиналари юбора олмаймиз. Чунки телефон орқали такси жўнатиладиган манзил узоқлиги 4 километрдан ортмаслиги керак. Чунки такси буюртмачининг уйига етиб олганида унинг ҳисобдонида 1 сўмдан ортиқ кира ҳақи кўрсатилмаслиги лозим. Бу қарор қабул қилинганлигига кўп вақт бўлди. Ундан бери шаҳар кенгайгандан кенгайиб бораяпти. Лекин биз Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига ана шу пул миқдорини ҳеч бўлмаса тунги пайтда 2 сўмгача етказиш тўғрисидаги кўп марта мурожаатларимиз ниҳобатсиз қоляпти. Агар шундай қилинганда биз буюртмалар сонини ўртача 20-30 фоизга кўпайтирган бўлар эдик.

Яна бир бор такрорлаб айтишимиз керакки, давлат такси хизматида камчилик ва нуқсонлар кўп. Улар устида муайян иш олиб бориляпти. Аммо биз ҳам амалий ёрдамга муҳтожмиз. Ана шу зарурат бизни ушбу мақолани ёзишга мажбур қилди.

Р. СОДИҚОВ,
«Ташгорпасстранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси такси хизматини ташкил қилиш бўлимининг бошлиғи.

Ю. МАМАДИЕВ,
такси марказий диспетчерлик хизматининг бошлиғи.

Акс садо

СЎНАЁТГАН «ЯШИЛ ЧИРОҚЛАР»

ЗАВҚЛИ ЛАВҲАЛАР

ЎЗБЕК МУЛЬТФИЛЬМЛАРИ УСТАЛАРИ УЧУН ЎТГАН ЙИЛ САМАРАЛИ БЎЛДИ. ЭКРАНЛАШТИРИЛГАН КЎПГИНА ЛЕНТАЛАР ЖАЖЖИ. БОЛАКАЙЛАРДА ЗАВҚ-ШАВҚ УЙҒОТДИ.

Таниқли режиссёр С. Алибеков маҳорат билан яратган мультфильмлар ҳам унинг серқирра ижодида яхши из қолдирди. Ҳайвонлар тимсолида экранлаштирилган фильмлари ўзига хос бадиий жозибаси ва қизиқарли лавҳалари билан ажралиб туради.

Санъаткор бошчилигида бир гуруҳ мультфильм усталари суратга олишга киришган янги лента «Ўтлоқда» деб аталди. Ҳозир ана шу экран асари устида қизғин иш олиб борилмоқда. Унда дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни мадҳ этувчи воқеа, таъсирчан лавҳалар кичик томошабиларда завқ уйғотади.

С. ОДИЛОВА.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ УСТАВИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (Ўзбекистон ЖУ).

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси — жумҳурият оммавий ахборот воситалари ходимларининг давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат уюшмаларидан мустақил ва уларга ҳисоб бермайдиган ўзини ўзи бошқарадиган касбий-ижодий ташкилоти.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик асосида Қорақалпоғистон Журналистлар уюшмаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларни, шунингдек, журналистлар бирикмаларини ўзида бирлаштирган бўлиб, уларнинг ижодий фаолиятини кучайтиришга даъват этилгандир.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ўз фаолиятини ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖ Конституциялари, амалдаги қонунлар ва ушбу Уставга мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик ва шартнома асосида ССЖИ Журналистлар уюшмалари конфедерацияси (ЖУК) таркибига киради.

2-банд. Уюшманинг мақсад ва вазифалари

Сўз ва матбуот эркинлиги принципларини қарор топтириш ва амалга ошириш, фуқароларнинг тез ва тўғри ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш;

журналистларнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижодий ҳуқуқларини, уларнинг шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

журналистларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилиш;

турли ғоявий йўналишдаги нашрларда хизмат қилаётган журналистларни бирлаштириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари ва ноширларига дахлдор манфаатларини ҳимоя қилиш;

оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга, уларнинг моддий-техника заминини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

уюшма аъзоларининг жумҳурият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган қонун тайёрлаш ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиш;

журналист ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, ёш журналистларни ўқитиш ва тарбиялаш;

таҳририят жамоалари билан биргаликда ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашиш, жамоатчилик асосида ишлайдиган мухбирларни тайёрлаш;

журналистика фахрияларига ғамхўрлик қилиш;

бошқа жумҳуриятлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги журналистика ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш;

ноширлик ва бошқа ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш;

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

3-банд. Ўзбекистон журналистлар уюшмасига аъзо бўлиш

Жумҳурият оммавий ахборот воситалари ва нашриётларнинг ижодий ходимлари ҳамда журналистик фаолият билан шуғулланаётган фуқаролар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Қабул шартлари: Ўзбекистон ЖУ Уставини тан олиш, уюшмага кириш бадали ва аъзолик бадалларини тўлаш юксак касб маҳорати ва жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатиш.

Журналистлар уюшмасига аъзо бўлувчилар оммавий ахборот воситаларида камида уч йил ишлаган бўлишлари керак. Улар шахсий ариза, Журналистлар уюшмасининг камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган икки аъзосидан тавсиянома, таҳририятдан уюшмага кирувчининг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари қайд этилган ижодий тавсифнома тақдим этадилар.

Тавсия этувчилар ўз тавсияномаларининг холислигига жавобгардирлар.

Аризани бошланғич журналистика ташкилоти ариза берилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқади ва Уюшмага қабул қилиш-қилмаслик масаласини очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан ҳал этади.

Қабул қилинганлик ҳақидаги қарор Ўзбекистон ЖУ бошқаруви котибияти тасдиғидан сўнг кучга киради.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзолари бир хил нусхада ишланган гувоҳнома оладилар.

4-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга

— уюшма фаолиятига доир барча масалаларни муҳокама этиш ва қарор қабул қилишда, журналистика ташкилотларининг ижроия органлари аъзолари ҳамда Ўзбекистон журналистлари съездидан тортиб барча анжуман ва қурултойларга делегатлар сайлашда бевосита қатнашиш;

— ЖУ бошқаруви органларига сайланиш;

— ЖУ бошқаруви органлари фаолиятига доир маълумотларни олиш, муҳокама этилаётган ҳар қандай масала юзасидан ўз фикрини билдириш ва ҳимоя қилиш;

— ўз фаолияти муҳокама этилаётган пайтда шахсан иштирок этиш;

— ўз касби билан боғлиқ вазифаларни адо этаётганда ЖУдан ижодий ва ҳуқуқий ёрдам олиш, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижодий келишмовчиликлар туғилган пайтда ЖУ органларига мурожаат этиш;

— барча турдаги ижодий, хўжалик-тижорат ва ноширлик ишларида иштирок этиш, шу жумладан, хорижий ташкилотлар билан қўшма корхоналар тузишда қатнашиш;

— дам олиш, саломатликни яхшилаш, ижодий фаолиятни йўлга қўйишга мўлжалланган шарт-шароитлардан фойдаланиш; журфонд маблағлари ҳисобидан ижтимоий ва моддий ёрдам олиш;

— қўшимча турар-жойга эга бўлиш;

5-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси қуйидагиларни бажариши шарт:

— уюшма Уставига риоя этиш ва аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш;

— ЖУ ишларида қатнашиш;

— касб маҳоратини ошириб бориш;

— журналистларнинг касбий бирдамлигига раҳна солувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;

— барча халқ ва элатлар тилига, маданиятига, миллий анъаналарига ҳурмат билан ёндашиш; миллатлараро адоватни авж олдиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатга қарши чиқиш;

6-банд. Уставдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бузганлик учун Ўзбекистон ЖУ аъзосига қуйидаги чоралар қўлланиши мумкин:

ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан. Уюшма аъзолигидан чиқариш.

Жазо чоралари бошланғич журналистика ташкилоти йиғилишида кўрилади, журналистика ахлоқ-одоб қоидалари бузилган тақдирда касб ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгашида кўрилади.

Жазо уни берган ташкилот томонидан бир йилдан кечиктирмай олиб ташланади.

7-банд. Журналистлар уюшмасининг аъзоси қуйидаги ҳолларда уюшма аъзолигидан чиқарилиши мумкин:

— ЖУ Устави талабларини бузганда;

— аъзолик бадалларини сурункасига тўламаган тақдирда;

— журналистика ташкилотидан ажралиб қолганда ёки ижодий фаолиятни тўхтатганда (фахриялар ва ногиронлар бундан мустасно);

— умуминсоний ёки журналистика ахлоқ-одоб қоидаларини бузганда;

— ўз ихтиёри билан ёзган аризасига кўра.

Бошланғич журналистика ташкилотининг аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарори ташкилот ҳисобида турган уюшма аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади ва Ўзбекистон ЖУ бошқаруви котибияти томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Бошланғич ташкилотнинг аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарори устидан журналист бир ой муддат ичида уюшма юқори органларига шикоят ёзиш ҳуқуқига эга.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ихтиёрийлик асосида Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларни, шунингдек, бошқа журналистлар бирикмаларини ўзида бирлаштиради.

8-банд. Бошланғич журналистика ташкилотлари

Бошланғич журналистика ташкилотлари уюшманинг асоси ҳисобланади. Улар уюшма аъзоларининг иш жойлари — газета ва журнал таҳририятларида, телевидение ва радио эшиттиришда, ахборот агентликларида ва нашриётларда, ҳўшманинг камида учта аъзоси бўлган бошқа ташкилотларда тузилади. Шунингдек, бир нечта туман, шаҳар ва нашриётлардаги уюшма аъзоларини ўз ичига олган ҳудудий бошланғич ташкилотлар, бирикмалар ва бошқа бирлашмалар ҳам тузилиши мумкин. Улар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан рўйхатга олинади ва уларга юридик шахс мақоми ва молиявий мустақиллик берилади.

Ўзбекистон ЖУ аъзоси қайси ташкилотда ҳисобда туришни ўша ташкилотнинг розилиги билан ўзи белгилайди. Ўзбекистон ЖУнинг нафақага чиққан аъзолари ўз хоҳиши билан сўнгги иш жойларидаги бошланғич ташкилотда ҳисобда турадилар.

Бошланғич журналистика ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— таҳририят Уставини ишлаб чиқишда, таъсис этувчи ва ношир билан шартномалар тузишда қатнашиш, унга амал қилишни назорат этиш;

— жамоада меҳнат низолари чиққанда уларни қонуний ҳал этишда қатнашиш;

— матбуот эркинлигини, таҳририят жамоасининг касб жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш ва журналистлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда кўзда тутилган барча чоралардан фойдаланиш;

— уюшманинг раҳбар органлари таркибига ўз вакилларини тавсия этиш, зарур ҳолларда уларни чақириб олиш масаласини ҳал этиш;

— журналистика касби ахлоқ-одоби тартиб-қоидаларига риоя қилиш ишларини кўриб чиқиш;

— уюшма аъзоларини касб ўқишига тавсия этиш;

— ижодий мусобақалар, кўргазмалар, ижодий танловлар, семинарлар, тезкор мажлислар ва бошқа тадбирларни ташкил қилишда ва уларнинг якунини кўриб чиқишда иштирок этиш;

— энг яхши ишларни мукофотларга тавсия этиш, уюшма аъзоларини тақдирлаш ва рағбатлантириш юзасидан таклифлар киритиш;

— мукофотларга, фахрий унвон ва шу кабиларга тақдим этилаётган уюшма аъзоларининг тавсифномаларини кўриб чиқишда иштирок этиш;

— уюшма аъзоларининг Уставдан келиб чиқадиган бурч ва топшириқларни қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, уларнинг Ўзбекистон ЖУ аъзоси деган номга нечоғлиқ муносибликлари ҳақида бир қарорга келиш;

— уюшма аъзоларининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя этиш;

— таҳририят маблағи ва даромадларини тақсимлашда, ишга қабул қилинаётган ва бўшатилаётган номзодларни кўриб чиқишда, лавозимга кўтариш, рағбатлантириш ва жазолашда, ходимларни саралаш пайтида иштирок этиш;

— ноширлик ва тижорат фаолияти билан шуғулланиш, банкда ҳисоб-китоб рақамига, муҳрга эга бўлиш. Ишлаб чиқаришдан тушган даромад корхона таъсис этувчилари билан бошланғич ташкилот ўртасида тузилган шартномага асосан тақсимланади. Шартнома бошланғич ташкилот йиғилишида тасдиқланади ва бекор қилинади.

9-банд. Бошланғич ташкилотнинг олий органи умумий йиғилишдир. Йиғилиш зарурат туғилганда чақирилади, барча масалалар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

10-банд. Бошланғич журналистика ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши иккиуч йилда бир марта ўтказилади. Йиғилиш котиб ва унинг ўринбосарини сайлайди. Уюшманинг 15 ва ундан ортиқ аъзоси бўлган ташкилотларда бошланғич ташкилотнинг бюроси сайланади. Бошланғич ташкилот котиблари ЖУ аъзоси сифатида камида уч йиллик стажга эга бўлишлари керак.

Котиб, бюро режа билан ташкилий ва ижодий иш олиб борадилар, Уюшма аъзоларини рўйхатга оладилар, аъзолик бадалларини йиғиб, бошқарув кассасига топширадилар, қилинган ишлар тўғрисида ҳар йили уюшма аъзоларининг умум йиғилишида ҳисоб берадилар.

11-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотлари мустақил иш олиб борадилар ва барча ташкилий-ижодий, ноширлик, ишлаб чиқариш-тижорат фаолиятларини ўз ҳудудларида Ўзбекистон ЖУ Уставига асосан амалга оширадилар. Улар юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланадилар, ўз номлари битилган доира шаклидаги ва тўртбурчак муҳрга, банкда ўз ҳисоб-китоб рақамларига эга бўладилар.

Қорақалпоғистон ЖУнинг олий органи беш йилда камида бир марта чақириладиган съезд, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларнинг олий органи эса беш йилда бир марта чақириладиган конференциядир.

12-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— бошланғич журналистика ташкилотларига раҳбарлик қилиш;

— ташкилий-ижодий, хўжалик-тижорат фаолиятини амалга ошириш, хўжалик ҳисобидаги ижодий марказлар ва бирлашмалар, секция ва комиссиялар, фотостудиялар ва бошқа тузилмалар ташкил этиш;

— журналистлар ва жамоатчи мухбирлар ўқувини ташкил этиш;

— матбуот конференциялари, тезкор мажлислар ва семинарлар ҳамда долзарб сиёсий, иқтисодий ва касб муаммоларига бағишланган бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш;

— ижодий мусобақалар ўтказиш, таҳририятлар жамоалари ва журналистларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда кенг ёйиш;

— Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилиш, уюшма аъзоларини рўйхатга олиш масалаларини ҳал этиш;

— белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

— хорижий журналистлар вакилларини кутиб олишда Ўзбекистон ЖУ бошқарувига кўмаклашиш;

— биродарлашган вилоятлар ва шаҳарлар оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасидаги ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, жумҳурият журналистларининг хорижий ҳамкасблари билан ижодий ҳамкорлигини жонлантирувчи турли хил шакллардан фойдаланиш, журналистларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

13-банд. Қорақалпоғистон ЖУ бошқаруви Қорақалпоғистон журналистлар уюшмаси съездида, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар бошқаруви эса шу ташкилотларнинг конференцияларида сайланади. Бу анжуманларда тафтиш комиссиялари ҳам сайланади.

Қорақалпоғистон ЖУ ва вилоятлар ташкилотлари бошқарувининг пленумлари йилига камида икки марта чақирилади.

Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотларининг бошқарувлари бошқарувнинг масъул котиби, унинг ўринбосарлари ва Кенгаш аъзоларидан иборат бошқарув котиблари Кенгашини сайлайди.

Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар бошқарувларининг масъул котиблари ўз вазифаларини доимий равишда ado этадилар ва шу ташкилотлар ишлаб топган маблағ ҳисобидан маош олиб турадилар.

14-банд. Қорақалпоғистон ЖУ, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ташкилотлар тафтиш комиссиялари раиси, унинг ўринбосари ва котибини сайлайди. Комиссия шу ташкилот ва унга бўйсунувчи муассаса ва корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб туради, шунингдек, ижодий уюшмага келадиган хатлар билан ишлашни текширади.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

15-банд. Съезд.

Уюшманинг олий органи Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг беш йилда камида бир марта чақириладиган съездидир. Навбатдан ташқари съездлар ёки конференциялар бошқарув қарори билан ёхуд Ўзбекистон ЖУ жами аъзоларининг камида 50 фоизи талаб қилган тақдирда чақирилади.

Съезд ёки конференцияга ваколат миқдори ҳамда вакиллар сайлаш тартиби журналистика ташкилотларининг таклифига асосан Ўзбекистон ЖУ бошқаруви пленуми томонидан белгиланади.

Съезд ёки конференцияларга вакиллар сайлаш тўғридан-тўғри яширин ва муқобил асосда бўлади.

Съезд:

— Ўзбекистон ЖУ Уставини қабул қилади ва зарурат туғилганда унга ўзгартишлар киритади;

— бошқарув, тафтиш комиссияси ва Ўзбекистон Журналистлар фондининг ҳисоботларини тинглайди ва тасдиқлайди;

— уюшма фаолиятининг навбатдаги съездгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилайди;

— яширин овоз бериш йўли билан муқобил асосда ЖУ бошқарувини, унинг бошқа ишдан озод этилган раисини, биринчи ўринбосарини, раис ўринбосари ва бошқарув котибини, шунингдек, тафтиш комиссияси ва унинг раисини, ЖУга қарашли оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирларини сайлайди;

— Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фондини тузади ва муқобил асосда унинг раисини сайлайди;

— журналистика ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди, Кенгаш аъзолари ва унинг раисини сайлайди.

16-банд. Бошқарув

Съездлар оралиғида ЖУ ишларини бошқарув ва унинг томонидан сайланган котибият олиб боради.

Бошқарув таркибига Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги журналистика ташкилотларидан номзодлар сайланади, бунда уюшманинг ҳар 50 аъзосидан бир номзод танланади. Бошқарув аъзолари Қорақалпоғистон журналистлар съездидан ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятлар ташкилотлари конференцияларида тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан муқобил асосда сайланади, сўнг Ўзбекистон ЖУ съездида тасдиқланади.

Ташкилотлар чақириб олиш ва кўпчилик овоз билан янги сайланган бошқарув аъзосини вакил қилиш ҳуқуқига эга.

Уюшма бошқарувининг пленумлари зарурат туғилганда, аммо йилига камида бир марта чақирилади. Бошқарув ўз аъзоларидан камида ярмиси иштирокидагина қарор қабул қилиш ваколатига эга. Қарорлар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

17-банд. Котибият

Котибият бошқарув идорасининг миқдорий таркибини, штатларни, мансаб маошларини, шунингдек, буларга сарф бўладиган харажатлар ҳажмини тасдиқлайди, шошилинч масалаларни ҳал этади ва уюшманинг кундалик ишларига раҳбарлик қилади.

Бошқарув котибияти икки ойда камида бир марта тўпланади.

Бошқарув идораси котибият томонидан ходимларнинг ишчанлиги ва касб малакасига қараб танлов асосида тайинланади.

18-банд. Тафтиш комиссияси

ЖУ тафтиш комиссияси съездлар оралиғида котибият ва унинг идораси ишини, бошқарув, уюшма ташкилотлари ва уларга бўйсунувчи корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиб туради, хатлар билан ишлашнинг ҳолатини текширади.

Тафтиш комиссияси съезд белгилаган миқдорда сайланади.

19-банд. Касб ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи Кенгаши

Ўз ишини съезд томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади. Уюшмага аъзо қилиш ва ундан чиқариш билан боғлиқ шикоятномалар билан шуғулланади, журналистларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқади, ҳуқуқ ва бурчга дахлдор баҳсларни, шунингдек, уюшма аъзолари, таҳририятлар, ноширлар ва оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари ўртасидаги бошқа келишмовчиликларни ҳал этади, журналистика ахлоқ-одоби қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ишни кўриб чиқиш учун қабул қилади.

20-банд. Ўзбекистон ЖУдаги мансабдор шахслар.

Ўзбекистон ЖУ бошқарувининг раиси, унинг ўринбосарлари ўз вазифаларини мунтазам адо этадилар ва лавозим учун белгиланган маошни олиб турадилар. Улар ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ

21-банд. Ўзбекистон ЖУ юридик шахс сифатида

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси юридик шахс, Ўзбекистон ССЖ Конституцияси доирасида иш юритувчи иқтисодий жиҳатдан мустақил ва сиёсий жиҳатдан дахлсиз тузилмадир. Унинг ҳуқуқий аҳволи «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Уюшма Ўзбекистон журналистларини Давлат мукофотлари ва фахрий унвонларга тавсия этади.

Ўзбекистон ЖУ ўз номи битилган эмблемаси, доира шаклидаги ва тўртбурчак муҳрига, банкларда ўз ҳисобига эга.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари юридик шахс сифатида жумҳуриятда амал қилиб турган қонунларга биноан ўз мол-мулкига ва ўзининг оммавий ахборот воситаларига эга.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида ташаббус кўрсатиш, шунингдек, матбуот, телевидение ва радио ходимларининг моддий, касбий, ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўриш тўғрисида давлат органларига таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари журналистларнинг ноширлар ва оммавий ахборот воситаларининг таъсис этувчилари олдидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, давлат органлари ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларда конституцион ва парламент йўли билан шу ишни амалга оширади.

22-банд. Ноширлик ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари амалдаги қонунлар асосида хўжалик, ноширлик-иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижодий ташкилот сифатида унинг фаолияти давлат солиғи ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар, таможня божи ҳамда давлат ва маҳаллий бюджетга ўтадиган бошқа хил тўловлардан озод этилади.

Ўзбекистон ЖУ бошланғич ташкилотдан тортиб унинг барча ташкилотлари ўз тасарруфларида хўжалик ҳисобидаги ижодий марказлар ва бирлашмалар, корхоналар, клублар, бирикмалар, реклама агентликлари, фотостудиялар, ширкатлар ҳамда бошқа хил корхона ва ташкилотлар тузадилар.

Улар рўзномалар, журналлар нашр этиш, нашриётлар, журналистлар уйлари, кўргазма заллари, дам олиш уйлари ва базалари, пансионатлар очиш, малака ошириш ўқуви, кўргазмалар, жумҳурият ва Бутуниттифоқ миқёсида ижодий тадбирлар ташкил этиш, ширкат уй-жойлар қурилишида пай асосида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ЖУ Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фонди фаолиятига раҳбарлик қилади. Журфонднинг вазифаси журналистларнинг ижодий ва ижтимоий маиший ҳаёти ва фаолияти шароитларини яхшилаш учун моддий-техник ва молиявий замин яратишдан иборат. Журфонд корхоналар, дам олиш базалари, шифохоналар очади ва уларнинг ишига раҳбарлик қилади, ижтимоий-маиший бинолар, уйжойлар қуради.

Ўзбекистон ЖУ ва унинг ташкилотлари таъсис этувчилар ва ноширлар билан биргаликда ижодий жамоалар фаолияти, ходимларни ишга тайинлаш ва саралаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш ишлари устидан раҳбарлик қилишда қатнашади, амалдаги қонунлар асосида меҳнат низоларини ҳал қилишда иштирок этади.

23-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг пул маблағлари

Ўзбекистон ЖУнинг пул маблағлари қуйидагилардан ташкил топади:

— уюшмага кириш бадали ва ойлик аъзолик бадалларидан;

— уюшма ва унинг корхона ҳамда ташкилотларининг ноширлик ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидан тушган даромадлардан;

— кўргазмалар, лотерея ўйинлари, кимошди савдоси ва бошқа пуллик тадбирлардан тушган даромадлардан;

— Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фондидан;

— бошқа даромадлардан.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига аъзо бўлиб кирувчилар 30 сўм миқдорида кириш бадалини, сўнг эса ҳар ойда 2 сўмдан аъзолик бадалини тўлайдилар. Ишламайдиган нафақахўрлар ойига 50 тийиндан тўлайдилар.

24-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида фаолият тартиби Устав (Низом) билан белгиланадиган Ўзбекистон ССЖ Журналистлар фонди ва бошқа махсус фондлар ташкил этилади.

25-банд. Уставни ўзгартириш тартиби

Устав Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси съездининг вакиллар умумий сонининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

26-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фаолиятини тўхтатиш

Ўзбекистон ЖУ ўз фаолиятини съезд қарорига кўра тўхтатиши мумкин. Пул маблағлари ва мол-мулк ана шу қарорда кўрсатилган органларга топширилади.

27-банд. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг бошқаруви Тошкент шаҳрида жойлашган.

Ҳар бир касбнинг моҳир усталари бўлади. Тикувчилик касби ҳам бундан мустасно эмас. Уста чеварлар томонидан тикилган кийимлар ва тўқилган матоларни кўрганингизда кўзингиз қамашади. Мавлуда Сатторова ҳам ёшлигидан тикувчиликка ҳавас қўйганди. У шу орзу йўлида қатъий ҳаракат қилиб ўрта мактабни тугатгач шаҳримиздаги «Учқун» тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келди. Мана 20 йилдирки, унинг томонидан тўқилаётган матолар сифатлилиги билан эл эътиборини қозонянти.

✦

Унгдаги суратда эса «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Фотима Қодирбекованинг кўриб турибсиз. У узоқ йиллардан бери бирлашмада самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг қизи Раъногон ҳам онаси изидан бориб тикувчиликка ҳавас қўйган. Ҳозир у ҳам мана шу корхонада онаси билан бирга ишламоқда.

Х. Мирзакаримов, И. Шербек суратлари.

ШИРИНЛИК ТУРЛАРИ КЎПАЯДИ

«ЎРТОҚ» ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ФАБРИКАСИДА ШИРИНЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ.

Ўтган йил охирида ишлаб чиқаришга қўйилган «Цукатная», «Лола», «Нафис», «Антракт», «Шарқ неъмати» каби ширинликлар ўзининг харидоргирлиги билан ҳамшаҳарларимизга манзур бўлмоқда.

Шунингдек, фабрикада қуритилган қовун қоқи, ўрик баргасидан ширинлик олиш ҳам йўлга қўйилди. Бу эса шаҳримизда ширинликлар турларининг кўпайишига олиб келади.

Ғ. ЮСУПОВ.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

Тиббиёт илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино (980—1037 йиллар) Ўрта Осиёнинг буюк алломаси, қомусий олими, файласуфи ва шоири, яна бир неча илм-фанларнинг билимдони эди. Ибн Синонинг бизгача етиб келган тиббий рисолалари, машҳур «Тиб қонунлари»дан ташқари, 31 тага етади. Шеърият қонун-қоидаларини мукаммал билган ҳаким тиббиётга доир 8 та назмий достон ёзган. Агар Абу Али ибн Сино бизга замондош бўлганида эди, сиҳат-саломатликни сақлаш ва касалликлардан фориғ бўлиш омилларини кундай ёруғ, ойдай равшан тарзда айтиб берарди. Лекин, буюклар сўзи ўлмайди, нақлига амал қилиб, кундалик ҳаётда зарур саволларимизга улуғ ҳаким китобларидан жавоб топамиз.

ИБН СИНО БИЛАН... СУҲБАТ

— Одам жуда мураккаб аъзои-тан билан яратилиб, барча мавжудот каби ҳаётга бир марта келади. Инсон яхши омил бўлса, қанча яшаши мумкин?

«— Ҳавода чанг ва тутун бўлмаса, одам минг йил яшар эди».

— Туриб қолган сув ифлосланиб, ярамайдиган ҳолга келгани каби, одам бадантарбиясиз, яъни ҳаракатсиз бўлса ҳол-аҳволи нима кечади?

«— Бадантарбияни ташк этган одам аксари хароб бўлади, зеро ҳаракатсиз қолган аъзоларнинг қуввати заифлашади... Бадантарбия билан машғул бўлинса ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди, бунинг учун муайян бир тартибга риоя қилмоқ ҳам шарт».

— Соғлиқни эҳтиётлаш, хасталик сабабини билиш ва уни даволаш чораларида иссиқ-совуқ мижозларни аниқлаш фойдалими?

«— Мижозни билиш даволаш ишида ёрдам беради... Биз айтамиз: турли мижозларга келсак, иссиқ, совуқ, қуруқ ва ҳўл мижозлар бош оғриқларни пайдо қилади... Бош оғриғини йўқотиш учун осойишталикдан, шунингдек узоқ фикр қилиш каби моддани ҳаракатлантирувчи нарсаларни тарк қилишдан кўра фойдалироқ нарса йўқ».

— Барча дунё неъмати соғлиққа тенг келолмас, нақлини ўйлаганда, дард келганда — дармон кетишини ҳис қилганда, соғ одамнинг касал бўлишига асосан нималар туртки бериши ўйлантириб қўяди. Соғлом одамда касаллик қандай пайдо бўлади?

«— Билгинки, барча касалликлар кўп еишдан, кўп гапиришдан, кўп ухлашдан ва кўп жинсий алоқа қилишдан пайдо бўлади.

Кўп еишдан меъда бузилади, жигар заифлашади, қорин ва буйрак касаллиги юз беради. Овқат сингмайди, ёмон еллар пайдо бўлади, ҳазм бузилади ва аъзолар сусаяди.

Кўп ухлашдан юз сарғаяди, тана оғирлашади, мия гангиб қолади, кўз шишади ва савдо ғалаба қилади.

Кўп гапиришдан бош оғриғи, шақиқа, сафроли ҳарорат, ортиқча хафалик ва умр охирида оғир касалликлар юз беради.

Кўп жинсий алоқа қилишдан буйрак заифлашади, тана озиб кетади, кўз қоронғилашади, мия қуриди, шаҳватдан лаззат топмайди».

— Одам боласи мурғак пайтида, қариликда ва касалдан янги турганда аъзоси-тани бир мунча заиф бўлади.

Биринчи, гўдак парваришининг ўзига хос тадбири қандай бўлиши керак?

«— (Болани) йўргаклаш олдида қобиз буриштирувчи (мойлар) билан мойла, то унинг тернсида пишиқлик кўрганиггача. Уни чўмилтир, шунда уни хилтлардан (кирлардан) тозалаган бўласан. Унинг йўргак боғини ўртача боғла. Уни кўп эмизма, ошқозони бузилади ва эмизишни узоқ вақт тўхтатиб қўйма, иситмаланади. Болани безовта қиладиган нарса билан унга муомала қилмаки, уни ухлашга қўймайди ва уйқусини ўчириб юборади... Уйғоқлик вақтида ёруғликдан уни айирма, токи у осмон ва юлдузларни кўрсин. Болани кўришга ўргатмоқ учун кундуз куни унга ҳар хил рангли нарсаларни кўп кўрсат. Уни сўзлашга ўргатмоқ учун таълимда овоз билан унга эркалатиб гапиргин. Унга асал ялат ёки уни танглайига сур ва уни тилига суриб ишқала...».

«— Қариларнинг титроқ қўлини тут», яъни ёрдам қил дейилади. Кекса ота-оналарнинг сиҳат-саломатликларини қандай парвариш этилади?

«— Албатта қари кишиларнинг қувватларида орқага кетиш бор. Ҳар куни аҳволларида нуқсон бўлади. Уларга кучли овқат бер, аммо 'оз бер, токи аъзоларига оғирлик қилмасин... Уларнинг баданидаги шиширни қайтарма ва шиширларга кучли тортувчи дориларни ишлатма. Ишқалаш ва терлатиш билан уларни тозала. Мойларни уларга (бирданига эмас) таратиб-таратиб суйка. Таомларнинг мулойими билан уларнинг баданини тозала. Дори билан ҳўжум қилишдан ўзингни сақла (яъни дори берма)».

— Учинчи мақсад, дард тортиб, касалдан янги турган кишига қандай тадбирлар белгилаб парваришлаш яхши омил бўлади?

«— Касалдан янги турган кишилар соғлом (лекин ранги) ўчган суратларга ўхшаш баданлари заифлашган кишилардир. Уларнинг жонлари лиқиллаб қолган ва баданлари эса қонни йўқотган. Қара, агар уларнинг баданлари узоқ вақт (ли касалликдан) ориқлаб кетган бўлса, уларнинг (ғизосини) оз-оздан кўпайтириб бор, (аммо) у кишилар устида шошилтиришга майл қилма, Ёхуд қисқа вақтда касалликдан баданлари озиб қолса, у пайтда уни (ғизосини) кўп-кўпдан кўпайтир. Лекин буни мулойимлик ва аста-секинлик билан бажар... Уларга қувватли ва узоқ турадиган ғизолардан оз-оздан бер. Уларни доимо осойишталик ва ҳаракатсизликда тут, чунки уларнинг аъзоларида заифлик бор. Уларнинг нафсини яхши, ширин сўз ва яхши ҳамсуҳбатлар билан даволашга майл қил. Уларга хушбўй атирлардан ва яхши ҳидли гуллардан бер. Уларга шодлик ва куйлар эшиттир, фикр қилиш ва машаққат чекишдан қайтар. Уларни обзан ва ҳаммомга тушир, лекин у ерда узоқ турғизма. Уларни илиқ сув ичида ўтказ ва аъзоларига мой сурт. Уларни жисмоний ҳаракат қилдирма ва қаттиқ ишқалама, чунки бу иш уларга иситма ҳароратини келтириб чиқаради.

— Киши касал бўлишидан олдин унга қандай чора-тадбир қўллаш керак?

«— Кимки вақти-вақти билан касалликдан шикоятланадиган бўлса, у кишини касаллик вақти келишидан бурун давола... Кимнинг баданида бирор бетобликнинг аломатини кўрсанг, унинг учун ўша касалликни синдириш устида ҳийла-чорасини кўр. Чунки у касаллик унинг баданида яширингандир, у юзага чиқиб қолишидан бурун чорасини кўр».

Сиҳат-саломатликни сақлашда доим ёдда тутиш учун Абу Али ибн Синонинг «Насиҳат» шеъри билан ғойибона суҳбатга якун ясаймиз.

Еган бўлсанг таомнинг,
Ҳазм бўлмасдан олдин,
Яна устига-устак —
Емоққа йўқ зарурат.

* * *

Чайнашда тишлар ожиз—
Бўлган таомни ютма,
Таомнинг ёмони бу,
Қорнинг бўлгай офат.

* * *

Ҳафта ичинда бир бор,
Қайт қилиш сенга лозим.
Балғам зараррларидан
Омон қолгайсан минбаъд.

* * *

Оғир ҳужуму таҳдид,
Ҳатто қолсанг хатарда,
Сурмай кейинга асло,
Ичингни тезроқ бўшат.

* * *

Силкит ухлашдан олдин,
Пок эт танинг чиқитдан,
Истасанг яхши уйқу,
Ҳар кун бўлсин шу одат.

* * *

Кун аро ҳаммом тушмоқ,
Одатин тарк айлама.
Танинг топар парвариш,
Югурарсан соғ-саломат.

* * *

Дори-дармон ичмоққа
Ўзингни кўп ўргатма,
Дору ичиш ножоиз
Етмасдан катта иллат.

* * *

Борди-ю зўр эҳтиёж
Сени айласа мажбур,
Иллат, дори таянчдир,
Баданга бўлур қувват.

* * *

Бу ҳикматни атайлаб,
Бир кун ҳаким Таёзуқ—
Нўширавон Одилга,
Қилган экан насиҳат...

Тўлқин РАСУЛЕВ
тайёрлади.

Шифобахш неъматлар

АНЖИР ШАРБАТИ

АНЖИР Ўрта Осиёда кенг тарқалган, бўйи 8 метргача бўлган мевали дарахт. Фарғона водийси ватани ҳисобланади. Шохлари тарвақайлаб ўсади, барги думалоқ панжасимон бўлиб, меваси сариқ ёки қирмизи қўнғир тусда, зувалача шаклидадир. Анжир меваси унинг калта банди билан поясига ёпишиб туради.

Анжир доривор (ўсимлик) дарахт сифатида ҳам жуда қадим замонлардан бери табобатда қўлланилиб келинмоқда. Шарқ табобатчиларидан Абу Али ибн Сино анжир меваси-ни йўтал қолдирувчи, балғам кўчирувчи сифатида сутда қайнатиб ичишни буюрган. Анжир шарқ табобатчилигида жигар касаллиги, талоқ ва ўпка шамоллашида кенг фойдаланилган. Асаб касаллиги, хафақон ҳамда қабзиятни даволашда ҳам анжирнинг нафи катта. Анжир қоқисидан тайёрланган дамлама оғир йўтални қолдиришда балғам берувчи, анжир шарбати билан асал қўшилмаси кўз шиллиғини кетказишда даво ҳисобланади.

Дамлама тайёрлашда 15—20 грамм мева қоқи олиниб, 200 грамм қайноқ сувда 30 минут қўйилади. Дамламани кунига 4 маҳал 1—2 стакандан ичилади.

Анжир баргидан олинган шарбат терида мавжуд бўлган «тенталик» ҳошияларни йўқотади. Анжирдан тайёрланган шарбат қуруқ йўталга, ўпка ўсмаларига малҳам бўлиши ва аёллар сутини кўпайтиришда катта аҳамиятга эга. Анжирда асосан қанд, пектин, оқсил, целлюлоза, ёғ ва бир қанча фойдали кислоталар ҳамда А, В, С каби дармондорилар мавжуд.

Хинза қабиласи севган мева

УРИК атиргулдошлар оиласига мансуб дарахт. Меваси ширин-сершира, данакли. Мева таркиби хилма-хил шифобахш маъданлар ва моддаларга бой бўлиб, асосан қанд миқдори кўп, А. С дармондорилари, каротин органик кислоталар, ифор мойлари бор. Шунингдек, туршагида ва баргида темир, мис, марганец, кальций, магний микроэлементлари жуда ҳам кўп. Уруғида 50 фоиз ёғ, фермент эмульсини, оқсил, B_{15} (пангам кислота) борлиги учун табобатда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ўз таркибида галактоза, глюкурон кислотаси, арабиноза сақлайди.

Урик уруғидан олинган доривор модда кўкйўтал ва нафас йўлларининг яллиғланишида доричилик амалиётида ишлатилади. Урикнинг меваси, яъни туршаги инсон аъзоларига энг яхши таъсир қилади. Жумладан юрак оғриганда, ҳапқирганда (темир моддаси камлигида) ва қон босимини пасайтиришда ўрик туршаги ва мағзини чой, ширин чой, компот қилиб ичиш тавсия этилади. Дорихоналарда юрак-қон томирининг эластик ҳолатини яхшиловчи ва юрак етишмовчилигида бериладиган доривор дорилар ўрнини тўлиқ босади ва танага куч-қувват бағишлайди.

Абу Али ибн Сино, Гиппократ каби буюк табиблар ўрик ва унинг елими ошқозон-ичак фаолиятига ижобий таъсир этишини кўрсатиб ўтишган. Урик ошқозон ва ичакда содир бўлувчи зararли нарсаларга, чунончи заҳарланишга қаршилик қилади, ичак фаолиятини уйғунлаштиради. Аниқ илмий маълумотларга қараганда, Ҳиндистонда ҳинза деган қабила яшайди. Бу қабила аъзоларининг асосий озуқаси ўрик ва ўрик маҳсулотлари ҳисобланади. Қизиғи шундаки, ҳинза қабиласи одамлари ўртача 100 йил умр кўрар экан. Шу туфайли ўрикзорларни кўпайтириш ва меваларидан тўғри, оқилона фойдаланиш керак.

Шермат ЙЎЛДОШЕВ,
Хоразм вилояти, Янгибозор ноҳиясидаги 14-дорихона доришуноси.

ШИРИНСУХАН ШИФОКОРЛАР

ЯХШИ ОДАМЛАР ҳақида ҳар қанча яхши гап айтса арзийди. Инсон сиҳат-саломатлиги учун сидқидилдан меҳнат қилиб жон куйдираётган «Жонга жон шифокор»ларнинг куюнчаклиқларини ҳам сўз билан ифодалаш қийин. Одатда, дарманд одамнинг дарддан кўнгли гулдек нозик бўлиб қолади. Ширинсўз уларга ҳар қандай дори-дармондан яхши малҳам, дилига ҳамдам бўлади. Абу Али ибн Сино: «Бемор борки, сўз билан даволаса бўлади», деб бежиз айтмаган. Шаҳримиздаги 1-юқумли касалликлар шифохонасининг беморларга дардкаш тиббиёт ходимлари ана шундай олижаноб фазилатли кишилар. Бу ерда кўп йиллардан бери ишлаб ҳурмат-иззат топган Жаннатхон опа Ҳайдарова, Элмира Дўстмуҳамедова, Дилоромхон Аъзамова, Умид Омонов каби ўнлаб шифокорлар ўз касбларини ҳалол меҳнатлари билан шарафлаб келишаяпти.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) шифохонанинг 9-бўлим бошлиғи, олий нишонли шифокор, ССЖИ Соғлиқни сақлаш аълочиси (ўнгда) Жаннатхон Ҳайдарова тиббий ҳамшира, Соғлиқни сақлаш аълочиси Элмира Дўстмуҳамедова билан беморнинг касаллик варақасини кўздан кечиришмоқда. (Иккинчи суратда). Шифохонанинг Бош шифокори Умид Омонов ширинсухан ёш шифокор Дилоромхон Аъзамовага беморларни даволаш ҳақида маслаҳат бераяпти.

Муаллиф суратлари.

Мулоҳазали мактублар

НОННИ ПОКИЗА ЕЙЛИК

Ҳар куни истеъмол қилинадиган нон дастурхонга қўйилгунга қадар жуда кўп қўлларидан ўтади. Уни тайёрлаш нон заводларида, цехларда олиб борилади. Ҳамир қилишдан тортиб, то тайёр ҳолда дўконга келгунча ва сотилаётганда озодалик, саранжом-саришталик ва покизалик қоидаларига амал қилинади.

Нон дўконлардан харидор қўлига сотувчи орқали, кўпгина дўконларда эса ўз-ўзига хизмат қилиш усули билан ўтади. Кўп харидорлар нон танлаётганларида дўконга қўйилган махсус илгич (вилка) ва нонни ўраб олувчи қоғозлардан фойдаланмайдилар. Бир неча нонни қўллари билан ушлаб, сўнг ўзларига ёққанини олиб кетишади. Бу билан ушланган нон ифлосланади, иккинчидан, уйга олиб кетилаётган нон ювилмаган қўллар билан ушланади, тўрхалта ёки махсус халта бўлса-ю яхши, бўлмаса қўйинга тиқилади, нон яна ифлосланади.

Нонни ҳар хил мева-чева, сабзавот ва гўшт маҳсулотлари учун ишлатиладиган тўрхалта ва сумкаларга солиб бўлмайди. Ташқи муҳитда узоқ вақт сақланадиган ва касаллик келтириб чиқариш хусусиятини 10 кундан 50 кунгача йўқотмайдиган микроблар борки, бундай идишларда сақланиб туради. Улар ичбуруғ, қорин тифи, сальмонеллез қабн хасталикларни келтириб чиқаради. Хўш, бунга йўл қўймаслик учун нималарга эътибор бериш керак? Биринчидан, ҳар бир хонадонда нон учун мўлжалланган махсус халта ёки сумка ажратиш керак. Иккинчидан, нон дўконига кирмасдан олдин қўлни ювиш, нон танлаётганда илгич ва ўраб олувчи қоғоздан фойдаланиш керак. Учинчидан, нон дўконларида нон солишга мўлжалланган пакетлар сотилса, айни муддао бўларди. Сабаби, нон харид қилишга кирган харидорнинг қўлида ҳамма вақт ҳам идиши бўлавермайди. Харидор ўз-ўзидан нонни очиқ қолатда олиб кетишга мажбур бўлади.

Агар бу таклифимиз амалга ошгудек бўлса, у ҳолда бу нарса биринчидан, нонга бўлган ҳурматимизни билдирса, иккинчидан, озодалик қоидаларига жуда мувофиқ келади, учинчидан эса, харидорларга яна бир қулайлик яратилган бўларди.

Очиқ гап, нон магазинларида ўз-ўзига хизмат қилиш усулини бекор қилиш керак. Ҳаридор ёқтирган нонни фақат сотувчи танлаб олиб берсин. Бунинг асосий сабаблари, юқорида баён қилганимиздек харидор ифлос қўли билан 5—6 нонни танлаб, сўнг битта ёки иккитасини олади. Энди фараз қилинг, дўконга 100 та харидор кирди дейлик ва уларнинг ҳар бири 2 донадан нон харид қилсин. Ҳар бир харидор 5—6 тадан нонни ушлаб кўрса, 200 дона нон сотилгунча 500—600 дона нон харидорлар томонидан ушлаб чиқилади. Айтинг-чи, қани бу ерда тартиб, қани озодалик? Қани бу ерда санитария-гигиена? Ваҳоланки, бу ҳолни ҳар куни, ҳар дақиқа ҳамма нон дўконларида кузатиш мумкин!

Ахир ҳар уч ойда тиббий кўрикдан ўтиб турадиган сотувчи бир чеккада (кўпинча ва асосан касса олдида) ўтирсин-да, харидорлар нонни ўз ҳолларича титкилаб чиқишса, буни қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳозирги кунда юқумли (ошқозон-ичак, сариқ ва бир қатор бошқа) касалликларнинг кўпайиб боришида шу каби ҳоллар сабаб бўлаяпти, дейиш мумкин. Ахир, ана шу 500—600 қўлдан ўтган, бунинг устига кўчада очиқ ҳолда олиб келинган нонни тўғридан-тўғри истеъмол қиламизку!

Баъзи бир мутасадди раҳбарлар, барча нон дўконларида илгичлар осиб қўйилган, шулардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган, деб айтишлари мумкин. Лекин, ҳеч биримизга сир эмаски, ана шу нон илгичлар 99 фоиз ишлатилмайди.

Шундай экан, кундалик истеъмол маҳсулотимиз бўлган „азиз нон ва унинг харидн ҳусусидаги бу таклифларимизни мутасадди ташкилотлар, биринчи навбатда «Ташхлебторг» раҳбарлари чуқур ўйлаб, меҳнаткаш халқимиз сиҳат-саломатлигини муҳофаза қиладиган чора-тадбирларни кўрадилар деб умид қиламиз.

Хайриддин ФАТХУЛЛАЕВ,
Қутбиддин НИЗОМОВ,
Тошкент Давлат тиббиёт олий илмгоҳининг шифокорлари.

ДОРИ ИЧИШ ТАРТИБИ

● Шифокор дори ёзиб бериб: «Уч маҳал ичинг» деб маслаҳат бердими — эрталаб, пешин чоғи ва кечқурун вақтида ичинг.

● Бром, йод дорилари кабилар овқатдан кейин ичилади, чунки булар оч қорнинг ичилса қустиради, кўнгилни беҳузур қилади, оқибатда сурункали меъда хасталигига олиб келади.

● Овқатдан олдин ичиладиган дорилар қуйидагилардир: иштаҳа очадиган (меъда шираси, пепсин, хлорид кислота), ичакнинг патоген флорасига таъсир қиладиган дорилар (фталазол, сульгин, синтомицин), шунингдек меъда деворини таъсирлантирмайдиган бошқа дорилардир.

● Сургиларнинг тез таъсир қиладиган (инглиз тузи, канакунжут мой)лари эрталаб наҳорга; секин таъсир қиладиган (сано дамламаси, пурген)лари бутун кун мобайнида бир неча маҳал ичилади ва кечқурун ичиб ётилади.

● Уйқу дорилари (люминал, мединал, веноронал, барбамил) оромга ётишдан ярим ёки бир соат олдин ичилади.

Яхшилар кўп оламда

МУАЛЛИМЛАР УСТОЗИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН ОКТЯБРЬ НОҲИЯСИ ИБН СИНО МАВЗЕСИДАГИ 262-ЎРТА МАКТАБГА АЪЗАМХОН РУСТАМОВ НОМИ БЕРИЛДИ.

Аслида бу мактаб педагогик жамоасининг талаби эди. Хўш, Аъзамхон Рустамов ким ўзи? Унинг номи нечун халқ тилидан тушмай аъзозланмоқда? Биз бу саволга тўла жавоб олиш учун мазкур мактаб директори Ш. К. Ҳошимов билан суҳбатлашдик.

— Устоз ҳақида ўйласам, — деб ҳикоя қилади Шавкат Комилович, — Мақсуд Шайҳзоданинг икки қатор шеъри хаёлимдан ўтади:

Умрлар бўладики,
тиригида ўликдир,
Умрлар бўладики,
ўлган одам тирикдир!

Ҳақ гап. Халқ учун хизмат қилган кишилар дунёдан ўтгач ҳам тириклар тилида, дилида яшайверади. Буни мен Аъзамхон ака Рустамов ҳаётидан ҳам кўриб турибман.

Аъзамхон акани билмайдиган, унинг меҳр чашмасидан баҳра олмаган, доно маслаҳатларини эшитмаган педагог орамизда кам топилади. Чунки устоз бутун умрини одамийлик фанини ривожлантиришга сарфлаган, инсон ақл-заковати, қудратли куч эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган киши эдилар. Инсоннинг безавол яшаши учун илм кераклигини алоҳида уқдирар эдилар.

Аъзамхон Рустамов 1902 йилда Тошкентда туғилди. Ҳали болалигиданоқ адабиёт, ижтимоий фанлар, айниқса психология ҳамда педагогика илмига қизиқди. Уларни қунт билан ўрганди. Иқилобдан кейинги йилларда у бошланғич синфларда, хотин-қизлар билим юртида, тажриба-намуна меҳнат мактаби, мусулмон полиграфчилар мактаби ҳамда касаба уюшмаси олий мактабида ўқитувчилик қилди.

Устоз безаб кетган умр дафтарини варақлар эканмиз, яшашнинг мақсади бутун бир ибрати билан яққол намоён бўлади. Унинг Тошкентдаги А. Икромов номидаги ўқитувчилик ва педагогика бирлашган институти, С. Оржоникидзе номидаги Бухоро педагогика институтидаги фаолияти шундан далолат беради.

А. Рустамов йигирма йил давомида Низомий номидаги педагогика институтида педагогика назариясидан таҳсил берди. Белинский номидаги Тошкент педагогика институтида директор бўлиб ишлаган чоғларида юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Устоз муаллим Ўзбекистон ССЖ Ташқи ишлар вазирлигида, кейинроқ эса Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида директор лавозимида ишлаган вақтида ҳам ўқитувчиликдан қўйгил узмади.

Сидқидилдан қилинган самарали меҳнат муносиб баҳоланди. Устозга «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилди, у «ССЖИ халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Аъзамхон аканинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб ўтириб, 1982 йилда у кишининг 80 йиллик таваллудлари нишонланиши арафасида ёзилган дастхатларига кўзимиз тушиб қолди: «Оиламизда 10 нафар партия аъзоси, 9 нафар комсомол, 17 нафар олий маълумотли киши яшайди», «20-йилларда мен ўқитган мактаб ўқувчилари Ҳамидулла Бобожонов — «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи», Аҳрор Тўлаганов — биолог, профессор, Мумтоз Муҳамедов — ёзувчи...»

Устознинг салкам бир асрлик ҳаёт зарварақлари билан таниш эканмиз, заҳматкаш муаллим, покиза инсон, одамийлик илмининг катта мунажжими Аъзамхон Рустамов номи ёдга олинаётгани бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдик.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Китоб жавонингизга

ЁҚУТ ҚУЛНИНГ МЕРОСИ

ИНСОНИЯТ тарихида кишини киши томонидан эзишга, унинг кучи ҳамда меҳнатидан фойдаланишга асосланган биринчи синфий ижтимоий-иқтисодий жамият қулдорлик эди. Энг қадимги қулдорлик давлатлари милоддан аввалги 4-3 минг йилликларда Месопотамия, Миср ва бошқа жойларда вужудга келган. Бу даврда инсоният тарихида ёзув, бадиий ва тарихий адабиётлар, томошагоҳлар вужудга келди, табиий фанларга асос солинди. Архитектура ва тасвирий санъатнинг машҳур ёдгорликлари бўлган Мисрдаги Гиза эҳромлари, Хитойдаги Буюк Хитой девори ва бошқалар бунёд бўлди.

Қулдорлик даврида қулларга озод кишиларга қўйиладиган исмлар эмас, балки қиймат-баҳо тошлар номи қўйилар эди. Шундай қуллардан бири Ёқут деб аталган. Ёқутнинг асл келиб чиқиши Кичик Осиёдан бўлиб (1179—1228), у қул бўлишига қарамай ўтмишдаги энг истъдодли савдогар, сайёҳ, ҳаттот, адиб ва жўғрофия олими бўлган. Бизга унинг мусулмон шарқидаги жойлар ва адиблар тарихига оид «Муъжамул булдон» («Шаҳарлар луғати») ва «Муъжамул удабо» («Адиблар луғати») номли икки асари етиб келган. Бу эса қулларнинг Шарқ фани, жумладан Ўзбекистон фани ва маданияти тарихига қўшган ҳиссаларидан далолат беради.

Қулдорлик тузуми Осиё, Африка ва Оврупонинг ўша вақтдаги илғор мамлакатларида милоднинг III—V асрларигача давом этиб келди. V асрда Юнонистон ва Римда ўзининг юксак тараққиётига кўтарилган қулдорчилик тузуми емирилгандан сўнг, тарих саҳнасига келган олмонлар ва славянлар каби бошқа баъзи бир халқлар бу тузумни четлаб ўтиб, ибтидоий жамоа тузумидан феодализмга ўтдилар.

Ўрта Осиёда қулдорлик тузуми милоднинг I—III асрларида, яъни Кушон подшолиги даврида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилганлиги маълум. Аммо бу тузумнинг тадрижий тараққиёти, хусусан Бухоро феодал жамиятида сақланиб қолган патриархал қулчилик сарқитларининг қайси йўналишда давом этганлиги ҳақида, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий моҳиятини ҳужжатларга асосланган ҳолда ёритиб берадиган бирор махсус ва мукаммал асар ҳозиргача оммалаштирилган эмас. Мазкур масалани XIX асрга оид ҳужжатлар асосида биринчи бўлиб ёритишга тарих фанлари номзоди Турғун Файзиев ҳисса қўшди. Муаллиф ўз тадқиқотининг самараси ўлароқ «Бухоро феодал жамиятида қуллардан фойдаланишга доир ҳужжатлар» номли асарини Ўзбекистон «Фан» нашриётида яқинда чоп эттирди.

Китоб кириш сўзи ва икки асосий бобдан иборат: 1 боб. «XIX асрда Бухоро хонлигидаги қул ва қулдорлик». II боб. «Бухорода қул ва чўриларни «озод» қилишга доир ҳужжатлар», деб номланган. Китоб 135 бет бўлиб тадқиқот, қуллар савдосига оид бир неча тарихий суратлар ҳамда 52 та араб алифбосида ёзилган ҳужжатларнинг асл нусхаларидан келтирилган фото намуналаридан иборат. Бу ҳужжатлар 1886-1887 йилларга оид бўлиб, Абдул Аҳадхон тарафидан вилоятларга юборилган фармонлар, шунингдек, девонбеги, раис ва қозилардан амир номига ёзилган мактубларидир. Мазкур ҳужжатлардан XIX асрнинг 80-йилларида Бухоро хонлигидаги қул ва чўриларга расман озодлик берилиши ҳақида фармон бўлганлигини тадқиқотчи ўз асарида аниқлаган. Шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, қуллар одатда осонликча озодликка чиққан эмаслар. Айрим ҳолларда қулдорлар қулларнинг гавда аъзоларининг айримларини озод қилиб, айримларини қўлларида сақлаб туриш даражасига бориб етганлар. Ёки бир қулнинг икки хожаси бўлса, бири уни озод қилиб, иккинчиси унинг озод бўлишига қаршилик қилган. Шунингдек, тадқиқотчи Т. Файзиев озодлик фармонидан сўнг, ўз озодлик васиқаларини ололмаган, сарбозликда хизмат қилиб келган айрим қулларнинг амир Абдул Аҳадхонга ёзган аризаларини ҳам топиб, буларни ўзининг хайрли илмий ишида фойдаланган.

Қўлёзма ҳужжатларга асосланган ҳолда Ватанимиз тарихининг энг нозик масалаларидан бирига бағишланган Т. Файзиевнинг бу китоби XIX аср Ўрта Осиё тарихи, хусусан, Бухоро вилоятидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётни янада мукаммалроқ ўрганишга қўшган қимматли ҳисса бўлиб ҳисобланади.

Абдусаттор ДАДАБОЕВ,
тарих фанлари номзоди, манбашунос.

Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди, арабшунос.

Осойишталик посбонлари

МАҲАЛЛА ИЗҚУВАРИ

...Тунги соат 10. Киров ноҳиясининг «Бодомзор» милиция участкаси хонасида телефон жиринглади:

— Участка вакили капитан Раҳимов эшитади.

— Алоқа олий илмгоҳининг талабасиман. Исмим Зуфар, фамилиям Сатторов. Ҳозиргина Ҳакимзода кўчасида иккита енгил машина тўқнашиб кетди.

...Бу хабар участка вакилини ўйлантириб қўйди. Машина тўқнашган бўлса бу иш билан Давлат автомобиль текшируви шуғулланади. Ахир, бу ишга унинг алоқаси йўқ-ку! Лекин, қурбонлар бўлса-чи? Ҳар ҳолда воқеа унинг қарамоғидаги ҳудудда содир бўлибди. У дарҳол бўлган воқеадан ноҳия Давлат автомобиль текшируви бўлими бошлиғини ва бўлим навбатчисини огоҳ этдида, воқеа содир бўлган жойга шошилди...

Зокиржон Раҳимовнинг ички ишлар органларига ишга келганига ҳам мана йигирма йилдан ошди. Бу вақт ичида унинг ҳаётида қанча мураккаб даврлар ва ташвишли кунлар бўлганлиги фақат унинг ўзигагина аён. Участка вакили зиммасида ўз тасарруфидаги аҳолининг тинчлигини қўриқлаш, улар мол-мулкининг дахлсизлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа борки, унга ҳар қандай ходим ҳам лойиқ кўрилавермайди. Билимдон, ҳалол, хушмуомала ва тажрибали милиция ходимигина бу ишнинг уддасидан чиқа олади.

— Ҳудудда ўн мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда З. Раҳимов. — Ҳар куни ўнга яқин шикоят тушади. Буларнинг аксарияти қўшниси билан уришган, оиласига зуғум ўтказаётган кишилар ва оиласи нотинч хонадонлардан ёки ишқёмас танбаллар устидандир.

— **Зокир ака, сиз асосан маҳалла аҳли билан иш олиб борар экансиз. Кўп қаватли биноларда истиқомат қилаётган аҳоли билан маҳалла аҳолиси ўртасидаги тафовут нимадан иборат?**

— Мен кўпқаватли биноларни зич жойлашган мавзеларда ҳам участка вакили бўлиб ишлаганман. Бундай биноларнинг «Бодомзор»да ҳам мавжуд. Аслини олганда, ишнинг осони йўқ. Лекин, жиноятнинг кўпи ана шундай мавзеларда содир этилаётганлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди. Катталар ёшларнинг юриш-туришидан доимо хабардор бўлиб туришади. Бу албатта ўзимизнинг миллий урф-одатимизга хосдир. Кўп қаватли биноларда истиқомат қилувчилар эса деярли бирбирини танимайди. Баъзида ишга бирор аниқлик киритиш мақсадида қўшниларидан воқеа тафсилотини сўрасангиз, ёрдам беришдан бош тортишади. Ёки ўзини ҳеч нарсадан бехабар одам қилиб кўрсатади. Бу эса ўз навбатида жиноятчини қўллаб-қувватлаш билан баробардир. Маълумки, участка вакили аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиши керак. Қамалиб чиққанлар, жанжалкашлар, жиноят содир этишга мойил бошқа шахслар участка вакилининг доимо назоратида ва диққат-эътиборида бўлиши керак.

Ҳудудда ўтган йилнинг ўзида элликдан зиёд оилавий можаролар бартараф этилди. Бунга биргина мисол келтирсак: «Мингўрик» кўчасида бир ёш оила бузилиб кетиш арафасида экан. Бунинг сабабини тезда аниқладик. Маълум бўлишича, ёш ота қиморбозларга қўшилиб қолибди. Ютқазган куни ичиб келиб жанжал чиқаришни одат қила бошлаган. Кескин равишда кўрилган чора-тадбир туфайли бу оиланинг ҳаёти бир маромда изга тушди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари қаровсиз, ишсиз юрган ўсмирлар ҳисобга олиниб, уларнинг кўпчилиги фойдали меҳнатга жалб этилди. Ҳафтада маҳалла аҳолиси, асосан ёшлар ўртасида қонунчиликка оид суҳбатлар ўтказилиб турилади. Бунинг натижасида эса ўтган йили юздан ортиқ турли кўринишдаги жиноятчиликнинг олди олинди. Холисона айтсак, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг бизга берастган ёрдами катта. Кунига завод маъмурлари кўнгилли халқ дружиначилари билан биргаликда навбатчиликка чиқиб туришади.

— **Зокир ака, айтишларича, Сиз бир пайтлар жиноятчилар узган ўқдан яралланган экансиз...**

— Ҳа, бу воқеага ҳам анча бўлди. Нима қилайлик, хизматчилик...

Зокир ака ўз одатига кўра бу ерда ҳам камтаринлик қилди. Воқеа тафсилотини гапириб ўтирмади. Ваҳоланки, ўша машъум оқшомда унинг ҳаётига қасд қилинган эди. Туни билан тиқ этса эшикка қараб дадасининг келишини кута-кута охири ухлаб қолган шириншакар уч нафар фарзанди, баъзида тунларни бедор ўтказган умр йўлдошининг ўша оқшомдаги ҳолатини бошқалар кўз олдига келтира олишармикан? Бир бегуноҳни қутқараман, деб жиноятчининг яқиндан туриб узган ўқидан яралланган бўлишига қарамай, махсус оператив гуруҳ етиб келгунича икки жиноятчини ушлаб турган одам оддийгина, хизматчилик деб ўтирса-я!

Р. АКБАРАЛИЕВ.

СУРАТДА: участка вакили З. Раҳимов маҳалла ёшлари билан мулоқотда.
Т. Каримов сурати.

Бу—қизиқ

«МУЗ ҲАЙКАЛ» ЖОНЛАНДИ

АҚШнинг Огайо ўлкасидаги оилаларнинг бирида одатдан ташқари воқеа содир бўлди. Саккиз ёшли Жореф Крог уйда ёлғиз қолиб, муз тоғ ҳосил қилмоқчи бўлди. У каттагина музлатгичга кирган эди, эшиги ёпилиб совуқхонада қамалиб қолди. Тўрт соат ўтгандан сўнг очганларида у муз ҳайкалга айланиб қолган эди. Боланинг тана ҳарорати ўн беш даражада бўлиб, юраги умуман урмасди. Шифокорларнинг беш соатлик муолажаларидан кейин ҳаётга қайтиб, Жозеф тирилди.

ЦИРКДА БУҚАЛАМУН

Тинч уммонининг унча катта бўлмаган мамлакати Янги Гвинеядаги Порт-Мореби шаҳрига қўшни Австралиядан цирк санъаткорлари келдилар. Улар орасида Ку-Ку тахаллуси билан ширинган санъаткор алоҳида муваффақият қозонди. У ўзига хос томошалари билан олқиш олди. Ку-Ку томошабинлар олдида турли идишлардан хилма-хил суюқликларни ичди. Бунда 10-15 дақиқа ўтиб унинг териси астасекин оч жигар рангдан бинафша ҳатто, қора рангга қадар ўзгарди. Ўз чиқишининг хотимасида аллақандай суюқлик тановвул қилиб, яна ўзининг табиий рангига қайтди.

КЕСКИН ЧОРА

Канаданинг Гатино шаҳрида кутубхона китобларини ўғирлаб кетувчиларга қарши энг қаттиқ қонун амал қилади. Олган киши китобни ўз муддатида топширмаса, катта миқдорда жарима тўлайди. Жаримадан кейин ҳам кутубхона мулкини қайтармаса икки ойга қадар қамоққа олинади.

Фозилжон ОРИПОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ КОММУНАЛ-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

1991 йилда техникумга кирувчилар учун

ПУЛЛИК ОЛТИ ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

9- ВА 11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ШАХСЛАР, ШУНИНГДЕК, КУНДУЗГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 8- ВА 10-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида математика, она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўтказилади.

ТЕХНИКУМ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: сув таъминоти ва сув ажратиш ускуналари ва системаларидан фойдаланиш; шаҳар электр транспортидан фойдаланиш, уни таъмирлаш ва энергия таъминоти; бинолар ва иншоотлар қурилиши ва улардан фойдаланиш; газ таъминоти ускуналари ва системаларидан фойдаланиш; кўкаламзорлаштириш қурилиши ва боғ-хиёбон хўжалиги.

Техникум манзили: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 25-уй (58«э», 67 «э», 95-автобуслар; 13- 16-троллейбуслар; 4, 7, 9, 24, 28-трамвайларнинг «Бобур номли боғ» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 55-59-47, 54-54-97.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«ТИББИЙ ХИЗМАТ» ДЕБ АТАЛМИШ ХАЛҚ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ МАРКАЗИДА СИЗЛАРНИ

келажакни олдиндан айтиб берувчи ва аниқ ташхис қўювчи

РОМЧИ ОЛМАХОН СУЛТОНОВА ҚУТАДИ

у фотосуратга қараб ҳам беморга ташхис қўя олади.

Марказ Фрунзе савдо маркази рўпарасидаги Тўқимачилар маданият саройи (2-қават, 28-хона)да жойлашган.

Экстрасенслар ҳам шу ерда қабул қиладилар. Уларни уйга чақирсангиз ҳам бўлади.

«ТИББИЙ ХИЗМАТ» МАРКАЗИ

(Телефон: 53-48-71).

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ЖУМҲУРИЯТ МОДАЛАР ТЕАТРИ

Модалар театрида ишлаш истагини билдирган ёркин кўринишли адл қоматли йигит-қизлар учун
намойишчи-актёр лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

44—46-размерли кийим киядиган, бўйи 170 см ва ундан юқори бўлган, маҳаллий миллатга мансуб, 18—23 ёшли йигит-қизлар таклиф этилади.

Танлов қуйидаги манзилда жойлашган Модалар театрида 11 январь куни соат 15.00 да ўтказилади: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 25-уй, Ўзбекистон Тикувчилик саноати ассортименти ва модалари Жумҳурият маркази.

«СОҒЛИҚ ВА ЁШАРИШ УЧУН ХАТХА-ЙОГА» **МАШҒУЛОТЛАР ТУРКУМИ**

Психолог раҳбарлигида олиб бориладиган амалий машғулотлар пайтида Сиз руҳий азобдан халос бўлишни ўрганиб оласиз, ўзингиз учун жисмингизни яна ёшартиришга имкон яратувчи машғулотлар шахсий комплексини ишлаб чиқишга муваффақ бўла оласиз. Бу сизга ҳозирги вақтда кенг тарқалган кўпгина касалликлардан ҳоли бўлишга, узоқ йиллар мобайнида соғлом, хушчаққак, тетик ва бардам яшашингизга кафолат беради.

КУРС — 10 ТА МАШҒУЛОТДАН ТАШКИЛ ТОПГАН.

Бизнинг манзилгоҳ: 700128, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.

Маълумотлар учун телефон — 44-55-34.



ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ОРБИТА—СЕРВИС» НОҲИЯЛАРАРО ТЕХНИК МАРКАЗИНИНГ 4-БЎЛИМИ

Рангли ва оқ-қора тасвирдаги телевизор, транзисторли аппаратура ва магнитофонлар, автомобиллар радиолари ва магнитофонларингизни

ТЕЗ ВА ЮКСАК СИФАТЛИ ҚИЛИБ ТУЗАТИБ БЕРАДИ

Манзилимиз: Акмал Икромов ноҳияси, Лутфий кўчаси, 54-уй (4, 9, 17-трамвайлар; 50, 77, 87-автобусларнинг «Ватан» кинотеатри» бекати).

Маълумотлар учун телефонлар: 72-48-55, 72-48-44.

Иш вақти соат 8 дан 20.00 гача, танаффуссиз ва дам олиш кунисиз.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

МОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Совет Армияси сафидан қайтиб келган, 10 ёки 11 синф ҳажмида маълумоти бўлган, Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшовчи шахслар қабул қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Ўқиш даврида ўқувчиларга 110 сўм миқдорида стипендия ва ишлаб чиқариш тажрибаси — (практика) даги иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚУШИЛАДИ.

Билим юртини тугатганлар ЎзССЖ монтаж ва махсус қурилиш вазирлигига қарашли «93-МАХСУС ТРЕСТ»га доимий ишга юборилади.

ЎҚИШ ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат, тиббий маълумотнома, 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, турар жойидан маълумотнома, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Ҳамза ноҳияси, Оқдарё кўчаси, 122-уй, (12, 37, 52, 68, 183-автобус; 5, 26-трамвайларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекати, 15, 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Телефон: 91-33-94.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

42-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электргаз пайвандчи, механика-йиғув ишлари чилангари, кенг йўналишдаги дастгоҳ ишчиси, электромонтажчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Билим юртига 35 ёшгача бўлган ўрта маълумотли, Тошкент шаҳри ва шаҳарга яқин ноҳияларда яшовчи йигитлар қабул қилинади. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради. Ҳар ойда стипендия ва меҳнат амалиёти вақтида ойлик маошнинг 50 фоизи берилади. Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

Билим-юрти ҳузурида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт шўъбалари ишлаб туради.

ЎҚИШ 1991 ЙИЛ 15 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: паспорт ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй. (9, 24, 51, 60, 67, 72, 91, 156, 165-автобуслар; 2, 16, 22, 25, 8, 29-трамвайларнинг «Ғалаба хиёбони ва Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси» бекати. **Телефон:** 34-37-14.

Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги Тошкент халқ таълими Бош бошқармаси

«ТАШСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси

3-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

«автоматчи-токарь» ихтисоси бўйича

1991 ЙИЛ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Тошкент шаҳрида ва жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида истиқомат қиладиган, Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади, стипендия тўланади, ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида эса 50 фоиз иш ҳақи тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР «ТАШСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ДОИМИЙ ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: ариза, маълумоти тўғрисида аттестат, 3x4 см. катталикдаги ва 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кадрлар бўлими ва билим юрти қабул комиссияси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг «3-ҳунар-техника билим юрти» бекати). Телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

3 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 550 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ.

АЛИШЕР НАВОИЙ достони оҳанглари асосида

ҲАЙДАР МУҲАММАД ПЬЕСАСИ

ПРЕМЬЕРА

«САБЪАИ САЙЁР»

(икки қисмли афсона).

Саҳналаштирувчи режиссёр — **МАРАТ АЗИМОВ.**
Рассом — **МАРАТ СОҲИБГАРАЕВ.**

ССЖИ халқ артисти, —ССЖИ Давлат ва Ўзбекистон ССЖ давлат Ҳамза мукофотларининг совриндори З. МУҲАММАДЖОНОВ;

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти, ССЖИ мукофотининг совриндори Е. АҲМЕДОВ;

Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Т. ХОНТУРАЕВ;

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артистлар С. УМАРОВ, Ҳ. ЮНУСОВ, Р. АВАЗОВ, Б. ҚОСИМОВ, М. ИСМОИЛОВ, М. АБДУҚУНДУЗОВ;

артистлар: Р. КАРИМОВ, П. НОСИРОВ, Р. ЖУРАЕВ, Г. ИБРОҲИМБЕКОВА, М. МУХТОРОВ, Л. ҚУЛАБДУЛЛАЕВА, М. БОБОТУЛЛАЕВА, Ф. МАСУДОВ, Қ. АБДУРАҲИМОВ, Ҳ. КОМИЛОВ, Ж. ЗОКИРОВ, А. МАҲМУДОВ, Б. МУҲАММАДКАРИМОВ, Б. МУҲАММАДЖОНОВ, Ф. ЖАЛОЛОВ, Ғ. ҲОЖИЕВ, С. АБДУҚУНДУЗОВЛАР қатнашадилар.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1991 ЙИЛ 10, 11, 12, 13 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

«СУЯНГАНИМ ТОР БЎЛДИ...»

«КАМОЛОТ-89» жумҳурият кўрик-танловининг олий соврини соҳиби

МУҲАММАД ҚАРИМ

«ҚИЗИҚЧИ-89» жумҳурият кўрик-танловининг совриндори

АБДУЛЛА АКБАРОВ

ва журналист Октябрь МЎМИНОВ иштирокида

КАТТА ТОМОШАЛАРГА **СИЗНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Чипталар сарой кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилмоқда.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 45-93-63.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

15 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССЖ халқ артисти
МАЛИКА АҲМЕДОВА
Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист
АҲМАДЖОН ШУКУРОВ
ва бошқалар.
ЧИПТА ТЕАТР КАССАСИДА СОТИЛМОҚДА.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА
1, 2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 19.30 ДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ҲАЗИЛ — 3»

КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДЖУЖАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ ва бошқалар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.

ТЕМИР ЙЎЛ КЛИНИК ШИФОХОНАСИНИНГ ФИЗИОТЕРАПИЯ БЎЛИМИ ҚОШИДА

ОСТЕОРЕФЛЕКСОТЕРАПИЯ БЎЙИЧА ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Кўз хиралашуви, қаттиқ бош оғриғи, қовурғаларда невралгия, ишиас, бел оғриқлари, паркинсон касаллиги, нафас қисиши, трофик яралар, пешобни тута билмаслик, кардалгия, тоғайларнинг қотиб қолиши, бўғимларнинг шаклини ўзгартирувчи артрозлар, пернартритлар, товонга туз йиғилиши, вертебробазиляр синдром касалликларини даволашда оддий ва уявфсиз усул қўлланилади.

Мутахассислар беморларни якшанбадан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 19.00 гача қабул қиладилар (1, 6, 10, 16, 21, 22, 23, 28, 30, 72, 80-автобуслар; 13-трамвайнинг «Ташсельмаш» бекати, метронинг «Ташсельмаш» станцияси).

99-66-69, 68-95-25, 26-92 телефонлари бўйича маълумотлар олиш мумкин.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

9 январда — ОҚҚУШ ҚЎЛИ.
10 январда — РИГОЛЕТТО.
11 январда — СЕВГИГА СЕВГИ БИЛАН.
12 январда — ЧИО-ЧИО-САН.
13 январда — ЗОЛУШКА (12.00, 19.00).
16 январда — ИККИ ДИЛ ДОСТОНИ.
17 январда — МАСХАРАБОЗЛАР.
18 январда — ЖИЗЕЛЬ.
19 январда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
20 январда — ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), **БОҒЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ** (19.00).
23 январда — ТУМАРИС.
24 январда — ФЛОРИЯ ТОСКА.
25 январда — ДОН КИХОТ.
26 январда — ОТЕЛЛО.
27 январда — КОППЕЛИЯ (12.00), **ОҚҚУШ ҚЎЛИ.** (19.00).
29 январда — КАРМЕН.
30 январда — СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА.
31 январда — АЛИШЕР НАВОИЙ.

Спектакллар 19.00да бошланади.

Чипталар театр кассасида соат 10.00дан бошлаб сотилади.

Телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/I да **Оққуш қўли,** 10/Iда **Риголетто,** 11/Iда **Севгига севги билан,** 12/I да **Чио-Чио-Сан** (12.00, 19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 9/I да **Жар,** 11/I да **Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома** (16.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 9/I — 10/I да **Дардимни айтаман, куласизми?**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА 9/I да **Паранжи сирлари** (16.00, 19.00), 10/Iда **Маугли** (11.00, 13.00), **Майсарининг иши** (16.00, 19.00).

КИНО

9 ЯНВАРДА

Чайка — «ҚАСОС ЎТИ» (16, 18.30, 21.00);

Тошкент Советининг 50 йиллиги номли — «ОЛИШУВ» (16, 18.20, 20.40).

К. Ёрматов номли — «ҚОНХЎР ХУДОЖЎЙИЛАР» (тоқ соатларда).

Восток — «КУН — ФУ ЖАВОҲИРИ (тоқ соатларда).

10 ЯНВАРДА

Чайка — «ҚАСОС ЎТИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00);

Тошкент Советининг 50 йиллиги номли — «ОЛИШУВ» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.40).

К. Ёрматов номли «ҚОНХЎР ХУДОЖЎЙИЛАР» (тоқ соатларда).

БЛКЁИнинг 30 йиллиги номли — «ШИНА — ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИЧАСИ» (10, 12, 14.00).

Восток — «КУН — ФУ ЖАВОҲИРИ» (тоқ соатларда.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ

муқовабоп материаллар ва сунъий чармдан ўтказиш ҳужжатлари (пропусклар), гувоҳномалар тайёрлаб бериш учун

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

БУЮРТМАЛАР **ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-84-78, 33-90-50.

Тошкент шаҳар индустриал-педагогика техникуми томонидан Ташматов **Бахтиёр Раҳмонович** номига берилган БТ. 540496 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент машинасозлик олийгоҳининг ректорати ва жамоат ташкилотлари тайёрасозлик кулиётининг катта ўқитувчиси С. З. Зоҳидовга умр йўлдоши **Салтанат Азизовна ЗОҲИДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

1-Тошкент саноат-педагогика техникуми маъмурияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари техникум директорининг ўқув ишлари бўйича муовини Н. И. Исломовга рафиқаси **Сайёра ИСЛОМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар газмол ва кийимлар савдоси ташкилоти, жамоаси 9-дўкон мудири **Ўткир Отабоевич РАҲИМОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

79.000 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.
Буюртма: 4728. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.